

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУПАТТООЕВ МУҲАММАДТОҲИР ТОЖИМАМАТОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ПОЭТИК СИНТАКСИСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

<b>Абдупаттоев Муҳаммадтоҳир Тожимамаатович</b> Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси.....	3
<b>Abdupattoev Mukhammadtokhir Tojimatovich</b> Poetik syntax of the Uzbek language.....	41
<b>Абдупаттоев Муҳаммадтоҳир Тожимамаатович</b> Поэтический синтаксис узбекского языка.....	73
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> List of published works Список опубликованных работ.....	78

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУПАТТОВЕВ МУҲАММАДТОҲИР ТОЖИМАМатович**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ПОЭТИК СИНТАКСИСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

Филология фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.1.DSc/Fil277 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мамажонов Алижон Бобоевич  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усмонова Хуринисо Шараповна  
филология фанлари доктори, профессор

Раупова Лайло Раҳимовна  
филология фанлари доктори, профессор

Йўлдошев Маъруфжон Мухаммаджонович  
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Термиз давлат университети


Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 21 декабрь 2021 йил соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: манзил бўйича: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).)


Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (139 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: манзил бўйича: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил « 6 » декабрь даги 48 рақамли реестр баённомаси)



 Ш.М.Искандарова  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

 М.Т.Зокиров  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н. доцент

 Н.М.Улуков  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тилшунослигида кейинги йилларда тилни нафақат алоқа-аралашув воситаси, балки таъсир этиш воситаси сифатида ҳам ўрганиш оммалашиб бормоқда. Бу воситалар доирасида поэтик нутқ эмоционал-экспрессивлиги, образли фикр ифода этиш хусусияти билан юқори даражада шаклланган нутқ кўриниши сифатида алоҳида ўрин тутди. Поэтик синтактик бирликларни ўрганиш нутқнинг шаклланиш жараёнини, фикр ифодалашнинг тасвирий воситаларини баҳолаш, лексик ва фразеологик бирликларнинг услубий вазифаларини, нутқ бирликларининг синтактик-стилистик хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради. Шу маънода миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ажралмас қисми бўлган поэтик асарларнинг синтактик хусусиятларини баҳолаш имконияти туғилади. Бугунги кунда дунё тилшунослигида олиб борилаётган лингвопоэтик тадқиқотлар, жумладан, поэтик синтаксис доирасида амалга оширилаётган изланишлар соҳа ривожига алоҳида амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон тилшунослигида поэтик нутқ масалаларига оид тадқиқотлар лингвопоэтик методлар асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда поэтик нутқни тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг кесишувида ўрганиш анъанага айланиб бормоқда. Бунинг натижасида тилшуносликда “поэтик фонетика”, “поэтик лексика”, “поэтик морфология”, “поэтик синтаксис” атамалари пайдо бўлди, бу атамалар бадиий нутқ тизимини у ёки бу жиҳатдан ўрганувчи соҳаларнинг номлари сифатида эътироф этилмоқда. Поэтик синтаксис масалалари ва поэтик нутқ муаммоларини, лингвокультурологик ва лингвопоэтик тадқиқотлар доирасида ўрганиш орқали муаммонинг назарий жиҳатларини тўлиқ асослаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги Янги Ўзбекистон шароитида ҳам илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, “ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш чораларини кўриш”<sup>1</sup> масаласи долзарб бўлиб турибди. Бу эса ўз навбатида тилшунослар зиммасига ўзбек тили бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар доирасини янада кенгайтириш, жаҳон илмий-тадқиқот стандартлари асосида ўзбек тилининг кенг ифода имкониятларини кўрсатиб бериш вазифасини юклайди. Тилимизнинг миллий грамматик қурилишининг тўғри талқини миллий мафкура ва ғояларимизнинг равнақи учун энг муҳим омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам, поэтик синтаксис доирасида ҳиссий-таъсирий функцияси жиҳатидан юқори поғонада турувчи поэтик нутқнинг синтактик хусусиятларини тадқиқ этиш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Поэтик асар тили – маданиятимизнинг узвий бир қисми, ғоявий ва ҳиссий таъсир қилишнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6084-сонли Фармони. (“Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 21 октябрь, 221-сон)

асосий воситасидир. Поэтик нутққа хос кенг кўламлилиқ, бадий ифода воситаларининг салмоқлилиги, халқ тили ва миллат руҳига яқинлиқ, уларни ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup>ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацияда билдирилган фикр-мулоҳазалар манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>2</sup>. Поэтик синтаксис, поэтик нутқнинг синтактик тадқиқи муаммолари бўйича дунёдаги йирик илмий марказлар, олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Белгород Федерал илмий-тадқиқот университети, Удмурд Федерал университети, Петрозаводск давлат университети, (РФ), Oxford University (Англия), Institut Francais d'Etudes sur l'Fsie centrele, IFEAC (Франция), Прага университети (Чехия) Киев Миллий университети, Харьков давлат университети (Украина), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат университети, Фарғона давлат университети) (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида поэтик синтаксис ва поэтик нутқ масалалари бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган: поэтик синтаксиснинг ўзига хос тадқиқ усуллари ёритилган (Москва давлат университети); шоирлар ижодининг синтактик ўзига хослиги ўрганилган (Санкт-Петербург давлат университети); поэтик нутқни ўрганишнинг структурал методлари ишлаб чиқилган (Белгород Федерал илмий-тадқиқот университети); рус поэзиясидаги мураккаблашган синтактик қурилмалар таҳлил этилган

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp>; <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp>; <http://top/mail.ru/jimp>; <http://www.refurun> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Петрозаводск давлат университети); поэтик нутқ таржимасига оид стилистик хусусиятлар тадқиқ этилган (Oxford University); таржима назарияси ва поэтик таржима муаммолари ўрганилган (Institut Francais d'Etudes sur l'Fsie centrele, IFEAC); актуал бўлиниш таснифи берилган (Praga University); синтактик-стилистик воситалар тадқиқ этилган (Киев Миллий университети, Харьков давлат университети, Қозоқ миллий университети,); бадий нутқ интерпретацияси, поэтик лексика, бадий матннинг лингвопоэтик таҳлили, матннинг антропоцентрик таҳлили, поэтик индивидуаллик масалалари ёритилган (Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат университети).

Дунё тилшунослигида поэтик синтаксис ва поэтик нутқ тадқиқи бўйича устувор йўналишлар белгиланиб, қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: поэтик нутқ таҳлилида гапларнинг бўлакчилишига мазмуний ёндашувлар; поэтик нутқ таржимашунослиги; поэтик идиолектда синтактик қурилмалар тадқиқи; поэтик нутқда экспрессивлик ва уни юзага чиқарувчи воситаларни ўрганиш; поэтик нутқда шакл ва мазмун мутаносиблигини когнитив тадқиқотлар доирасида ёритиш; поэтик ономастиканинг лексик-семантик ва стилистик тадқиқи; таржимага лингвокультурологик ёндашув ва поэтик асарлар таржималари муаммолари;

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Поэтик синтаксис масалалари ва поэтик нутқ жаҳон тилшунослигида узок йиллар давомида В.В.Виноградов, И.Р.Гальперин, Б.А.Ларин, Г.В.Степанов, В.М.Жирмунский, Д.Н.Шмелев, Н.П.Небросина, Ю.М.Лотман, Г.Я.Солганик, Ю.М.Трофимова, Л.А.Хорешко, Н.С.Болотнова, Ю.В. Казарин, Е.И. Королева, А.А.Лебедев, В.Н.Патроева, В.В.Бабайцева, И.И. Ковтуноваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритиб келинган<sup>3</sup>.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида айнан поэтик синтаксис атамаси остида бўлмаса ҳам, поэтик нутқ масалаларига бағишланган ишлар

<sup>3</sup> Виноградов В.В. Язык и стиль русских писателей. – Москва: Наука, 1990. – С.386; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981. – С.138; Ларин Б.А. Эстетика слова и язык писателя. – Ленинград: Художественная литература, 1973. – С. Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. – Москва: Наука, 1988. – С.382; Жирмунский В.М. Рифма, ее история и теория // Теория стиха. – Ленинград: Наука, 1975. – С.316; Шмелев Д.Н. Слово и образ. – Москва: Наука, 1964. – С.119; Небросина Н.П. Синтаксис стихотворной речи как предмет лингвопоэтического исследования: На материале англ. и амер. поэзии XVI-XX вв. АДД. Пермь - 1997. С 42; Лотман Ю.М. Структура художественного текста. – Москва: Искусство, 1998. –С.280; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Ленинград. “Просвещение” (Ленинградское отделение). 1972. С 272; Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. Москва. “Высшая школа» 1973. С 103; Трофимова Ю.М. Лингвистика поэтического синтаксиса. Саранск – 2015, 178 стр; Хорешко Л. А. Лингвокультурологический анализ поэтического текста и его передача на английский язык. Белгород – 2018, стр. 66. Болотнова Н. С. Изучение идиостиля в современной коммуникативной стилистике художественного средства. М., 2004. С.137; Казарин Ю.В. Поэтический текст как система. Издательство Уральского университета, 1999. С 260; Королева Е.И. Экспрессивные грамматические средства языка в аспекте функционально-семантического поля (на материале современной британской баллерики). Автореф... дисс...канд...фил...наук. Екатеринбург. 2016, С 32; Лебедев А.А. Поэтический синтаксис П.А.Вяземского. Автореф... дисс...канд...фил...наук. Петрозаводск, 2016, С 34; Патроева В.Н. Типы и функции осложняющих конструкций в языке русской поэзии XVIII-XIX вв. Автореф... дисс...док...фил...наук. СП, С 53; Бабайцева В.В. Читая стихи... (синтаксис и семантика) 2-изд. Москва. «Флинта» 2016, С 176; Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. Москва. «Наука 1986, С 208.

сифатида И.Мирзаев, М.Йўлдошев, М.Ёқуббекова, С.Каримовларнинг докторлик<sup>4</sup>, Г.Муҳаммаджонова, М.Йўлдошев, Э.Ибрагимова, О.Мамазияев, Д.Жамолиддинова, Д.Шодиева, С.Умирова, О.Турсуноваларнинг номзодлик диссертация<sup>5</sup>ларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ишларда моҳият эътибори билан поэтик нутқнинг синтактик белгиларига алоҳида тўхтилиб ўтилмаган. Уларда, асосан, поэтик нутқнинг фонетик, лексик ва айрим морфологик хусусиятлари, шунингдек, бадий тасвир воситалари сифатида троплар ва стилистик фигураларнинг ўзига хос белгиларига урғу берилган. Жумладан, шеърий матнларнинг лингвистик интерпретацияси (И.Мирзаев), бадий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари (М.Йўлдошев), ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик белги-хусусиятлари (М.Ёқуббекова), бадий услубнинг лингвистик белгилари (С.Каримов) ёритилган. Шунингдек, бадий нутқдаги парантез бирликлар (Д.Жамолиддинова), поэтик индивидуаллик (С.Умирова), поэтик фонетика масалалари (О.Турсунова), ўзбек шеъриятининг даврий лингвопоэтик талқини (Г.Муҳаммаджонова), ироник мазмун ифодаловчи усул-воситалари талқини (Э.Ибрагимова) ёки маълум бир ижодкорлар асарлари мисолида М.Юсуф лингвопоэтикаси (Д.Шодиева), Усмон Азим ижодининг лингвопоэтик хусусиятлари (С.Умирова) тадқиқ этилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот режасининг “Лингвокультурология ва лингвопоэтика” йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилшунослигида поэтик синтаксис мақомини белгилаш билан бирга, поэтик нутқнинг синтактик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

поэтик синтаксиснинг алоҳида соҳа сифатидаги ўрганиш объекти ва асосий бирликларини аниқлаш ва мақсад, вазифаларини белгилаш;

---

<sup>4</sup> Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дис... д-ра филол. наук. –Ташкент, 1992. – 43 с.; Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. –Тошкент, 2008. –313 б; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. –Тошкент, 2005. –27 б.; Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фан. д-ри дисс. –Тошкент, 1994. –292 б.

<sup>5</sup> Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2004. –25 б.; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2000. –26 б.; Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалашнинг усул ҳамда воситалари. Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2001. –25 б.; Мамазияев О. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. –26 б.; Жамолиддинова Д. Бадий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. – 26 б.; Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2007. –26 б.; Умирова С. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида): Фил. фанл. б.фал.док. ((PchD) дисс. автореф. –Самарқанд, 2019. –48 б.; Турсунова О. Ўзбек тили фонетик бирликларининг поэтик имкониятлари: Фил. фанл. б.фал.док. ((PchD) дисс. – Фарғона. 2019, 132 б.



поэтик нутқнинг ўзига хос синтактик қурилиши ва функционал хусусиятларини ёритиш;

поэтик нутқнинг ўзига хос композицион-синтактик қурилишини лисоний далиллар асосида исботлаш;

поэтик нутқнинг композицион-синтактик бутунлик сифатида шаклланишида муҳим вазифа бажарувчи воситаларни тизим сифатида ўрганиш, кенг ва атрофлича таҳлил қилиш;

идиостил ва идиолект тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш ва муаллиф идиостилини аниқловчи асосий лингвистик омилларни белгилаш;

синтактик фигуралар таснифини бериш, уларни гуруҳлаш, поэтик нутқни шакллантирувчи ва фаол қўлланувчи воситаларнинг функционал вазифаларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек поэтик асарлари (XX аср охири ва ҳозирги замонавий ўзбек шеърояти матнлари) белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни поэтик синтаксис масалалари ва ўзбек поэтик нутқининг ўзига хос синтактик ва функционал-семантик таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Поэтик нутқнинг назарий муаммоларини аниқлашда ва унинг ўзига хос белгиларини кўрсатиб беришда синхрон-тасвирий, тавсифий, компонент таҳлил, оппозитив, қиёсий ва ўрни билан статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

поэтик нутқ фақат фикр баён қилиш воситасигина эмас, балки бадий-эстетик таъсирга эга нутқ тури эканлиги, унинг асосий бирликлари саналган бинар синтактик конструкция, суперсинтактик бутунлик, уларни ташкил этувчи қисм-бўлақларнинг шаклий, мазмуний ва функционал хосланиши асосланган;

поэтик нутқнинг поэтик тафаккур маҳсули ва синтактик ифода шакли сифатида шаклланиш жараёни, гаплар, мураккаб синтактик бутунликларнинг асосий коммуникатив бирлик сифатидаги семантик ва структур лисоний белгилари далилланган;

поэтик нутқнинг структурал-семантик жиҳатдан бир бутун синтактик тизим эканлиги, ахборотни узатишдаги композицион-синтактик структурани ташкил этувчи бошланма, фикр ривож, тугалланманинг матндаги ўрни, бадий-поэтик актуаллашуви, коммуникация жараёнидаги тема-рематик муносабати аниқланган;

идиостил ва идиолект тушунчаларининг моҳияти, услубий, вазифавий белгилари, нутқ муаллифининг тилнинг юқори сатҳидаги лисоний имкониятлари очиб берилган, поэтик нутққа хос муаллиф индивидуал услубининг синтактик табиати – доминант ҳисобланувчи қолиплаган мураккаб синтактик бутунликлар изоҳланган;

поэтик нутқда қўлланувчи, бадий-эстетик ва ҳиссий-таъсирийликни кучайтирувчи структурал, семантик ва позицион синтактик фигуралар алоҳида тизим сифатидаги позицион синтактик фигуралар поэтикаси,

мазмуний синтактик фигуралар тасвирий ифодаси, бадий тасвир воситаларининг эмоционал-эстетик хусусияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

поэтик синтаксиснинг объекти, мақсад ва вазибалари белгиланган;

поэтик нутқнинг синтактик тавсифи берилган;

синтактик алоқа ва синтактик восита турлари поэтик нутқ таркибида ҳам юзага чиқиши лисоний далиллар ёрдамида кўрсатилиб, таҳлил намуналари ишлаб чиқилган;

поэтик нутқнинг композицион-синтактик қурилишга эга эканлиги исботланган ва таркибий қисмларининг функционал, семантик-синтактик тавсифи берилган;

муаллиф идиостилини белгиловчи воситалар тизими аниқланган;

синтактик фигураларнинг янгича ёндашув асосидаги таснифи берилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олиб чиқилаётган масалаларнинг аниқлиги, ғояларнинг анъанавий синтактик қонуниятларга мослиги, тўғри қўлланилганлиги, муаммони тадқиқ этишда илмий-назарий манбаларга таянилганлиги, тадқиқот жараёнида олиб борилган таҳлилларнинг назарий асосга эга эканлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек лингвопоэтикасини янги маълумотлар билан бойитилганлиги, поэтик синтаксис тушунчасининг тўлиқ ва аниқ таърифи, поэтик нутқнинг синтактик ва услубий хусусиятлари ҳақида кенг қамровли маълумотлар берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларидан лингвопоэтика, жумладан, поэтик синтаксис бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда, шунингдек, олий ўқув юртлири филология факультетларида 5A220100 – лингвистика (ўзбек тили) магистратура йўналишида талабалар танлови фанларини ўқишда ҳамда 5141100 – ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат йўналиши бўйича таълим олувчиларга «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Тилшунослик назарияси», “Услубшунослик”, “Матн лингвистикаси” фанларини ўқитишда мазкур фанлардан дарсликлар, поэтик нутқ масалаларига бағишланган монографиялар ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда кўрилади. Шунингдек, 5120100 – филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавр таълим йўналишида “Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси” танлов фани сифатида ўқитилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси доирасида поэтик нутқнинг синтактик хусусиятларига бағишланган диссертацион ишда эришилган илмий натижалар асосида:

поэтик нутқ фақат фикр баён қилиш воситасигина эмас, балки бадий-эстетик таъсирга эга нутқ тури эканлиги, унинг асосий бирликлари саналган бинар синтактик конструкция, суперсинтактик бутунлик, уларни ташкил этувчи қисм-бўлақларнинг шаклий, мазмуний ва функционал хосланиши

бўйича берилган илмий хулоса ва тавсияларидан “Матн тилшунослиги” дарслигида кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан 237-317-рақамли рухсатнома). Натижада дарсликнинг асосий қисми илмий-назарий жиҳатдан мукаммаллашган;

поэтик нутқнинг поэтик тафаккур маҳсули ва синтактик ифода шакли сифатида шаклланиш жараёни, гаплар, мураккаб синтактик бутунликларнинг асосий коммуникатив бирлик сифатидаги семантик ва структур лисоний белгилари бўйича берилган илмий хулоса ва тавсияларидан “Матн тилшунослиги” дарслигида кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан 237-317-рақамли рухсатнома). Натижада поэтик нутқнинг синтактик хусусиятлари бўйича берилган илмий маълумотлар дарсликнинг илмий-назарий жиҳатдан мукаммаллашиши учун манба бўлиб хизмат қилган;

поэтик нутқнинг структурал-семантик жиҳатдан бир бутун синтактик тизим эканлиги, ахборотни узатишдаги композицион-синтактик структурани ташкил этувчи бошланма, фикр ривож, тугалланманинг матндаги ўрни, бадиий-поэтик актуаллашуви, коммуникация жараёнидаги тема-рематик муносабати аниқлаш бўйича берилган хулоса ва тавсиялардан “Прагмалингвистика асослари” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада дарслик назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган;

идиостил ва идиолект тушунчаларининг моҳияти, услубий, вазифавий белгилари, нутқ муаллифининг тилнинг юқори сатҳидаги лисоний имкониятлари очиб берилган, поэтик нутққа хос муаллиф индивидуал услубининг синтактик табиати – доминант ҳисобланувчи қолиплашган мураккаб синтактик бутунликларни изоҳлаш бўйича берилган хулоса ва тавсиялардан “Прагмалингвистика асослари” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада дарсликнинг нутқ қурилишида тил шахсининг ўрни ва адресат-адресант муносабатлари ёритилган ўринлари илмий ва назарий жиҳатдан мукаммаллашган;

поэтик нутқда қўлланувчи, бадиий-эстетик ва ҳиссий-таъсирийликни кучайтирувчи структурал, семантик ва позицион синтактик фигуралар алоҳида тизим сифатидаги позицион синтактик фигуралар поэтикаси, мазмуний синтактик фигуралар тасвирий ифодаси, бадиий тасвир воситаларининг эмоционал-эстетик хусусиятига оид илмий қарашлар ва хулосалардан Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш кўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий иновациялар ва технологиялар трансфери марказида бажарилган И-2013 57-рақамли “Ижтимоий экология муаммолари” фундаменталь лойиҳаси доирасида фойдаланилган. Нутқ муаммолари ва поэтик нутқ тадқиқи юзасидан берилган таклифлар лойиҳа ишини

бажаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилган (Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 6 июлдаги 06-06/5053-сон маълумотномаси);

поэтик нутқда қўлланувчи синтактик фигуралар таснифи шеърий нутқ таҳлили, поэтик нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, поэтик нутқда таъсирийлик, тасвирийлик, эмоционал-экспрессивликнинг ифодаланиши, шеъриятнинг таъсир қилиш хусусиятларига оид илмий қарашлари ва хулосалари Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2020, 2021 йилларда эфирга узатилган “Адабий муҳит”, “Кўнгил мулки” телекўрсатувларида ва “Маънавият – қалб кўзгуси” радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 7 июлдаги 1201/90-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган ва илмийлиги ортган;

шеърий нутқ таҳлили, поэтик нутқнинг композицион-синтактик қурилиши, поэтик нутқда муаллифнинг ўзига хос услуби (идиостили), синтактик фигуралар таснифи ва шеъриятнинг таъсир қилиш хусусиятларига оид илмий қарашлари ва хулосаларидан 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценирийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 15 июлдаги 04-25-1181-сон маълумотномаси). Натижада Радиодастурларда берилган мазкур илмий натижалар радиотингловчиларнинг шеъриятни тушуниш ва чуқур англаш бўйича билимларининг шаклланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, улардан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 224 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Поэтик синтаксиснинг назарий муаммолари”** деб номланади. Бобнинг “Поэтик синтаксис лингвопоэтика соҳаси сифатида” номли биринчи фаслида жаҳон тилшунослигида поэтик синтаксис соҳасининг вужудга келиши, унинг шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлган асосий омиллар, лингвопоэтика, жумладан, поэтик синтаксис соҳасида кейинги даврларда яратилган диссертациялар мавзу кўлами, бу йўналишда ҳал этилган муаммолар, назарий қарашлар тавсифланган.

Умумий тилшуносликда синтактик бутунликлар ва уларнинг функцияллашуви масаласи ҳам лингвопоэтик тадқиқотлар доирасида махсус ўрганилди<sup>6</sup>. Бугунги кунда сўз усталари – шоирларнинг асарлари, поэтик нутқнинг бирликлари ҳисобланган синтактик қурилмаларнинг ифода имкониятларини ўрганиш долзарблигича қолмоқда. Мана шу зарурият асосида жаҳон тилшунослигида синтактик бутунликларнинг поэтик имкониятларини тадқиқ этувчи янги йўналиш – поэтик синтаксис йўналиши вужудга келди ва ривожланиб бормоқда<sup>7</sup>. Рус тилшунослигида поэтик синтаксис атамаси дастлаб А.А.Виноградов, кейинчалик А.А.Лебедев, В.Н.Патроева, В.В.Бабайцеваларнинг тадқиқотларида қўлланила бошланди. Натижада И.И.Ковтунованинг мазкур атама маъноси чуқур изоҳланган, поэтик синтаксис объектлари аниқ белгиланган, тадқиқот йўналишлари кўрсатиб ўтилган, поэтик нутқнинг синтактик тадқиқига бағишланган монографияси нашр этилди<sup>8</sup>.

Ўзбек тилшунослигида, айнан поэтик синтаксис атамаси остида амалга оширилмаган бўлса-да, поэтик нутқ, унинг ёзма шакли матн тадқиқи доирасида бажарилган М.Йўлдошев, Д.Жамолиддинова, С.Умироваларнинг

---

<sup>6</sup> Трофимова Ю.М. Лингвистика поэтического синтаксиса. Саранск – 2015, 178 стр; Хорешко Л. А. Лингвокультурологический анализ поэтического текста и его передача на английский язык. Белгород – 2018, стр. 66. Болотнова Н. С. Изучение идиостиля в современной коммуникативной стилистике художественного средства. М., 2004. С.137 Лебедев А.А. Поэтический синтаксис П.А.Вяземского. Автореф... дисс...канд...фил...наук. Петрозаводск, 2016, С 34; Патроева В.Н. Типы и функции осложняющих конструкций в языке русской поэзии XVIII-XIX в.в. Автореф... дисс...док...фил...наук. СПб, С 53; Бабайцева В.В. Читая стихи... (синтаксис и семантика) 2-изд. Москва. «Флинта» 2016, С 176;

<sup>7</sup> Казарин Ю.В. Поэтический текст как система. Издательство Уралского университета, 1999. С 260; Королева Е.И. Экспрессивные грамматические средства языка в аспекте функционально-семантического поля (на материале современной британской баллерики). Автореф... дисс...канд...фил...наук. Екатеринбург. 2016, С 32.

<sup>8</sup>Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. Москва. «Наука 1986, С 208.

илмий изланишларини кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>9</sup>.

Прозаик асарларнинг синтактик хусусиятларидан фарқли тарзда поэтик нутқда синтактик қурилмаларнинг турли шакллари ва риторик ифода воситаларининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин, бундан ташқари, поэтик нутқ фақат ахборот етказиш учунгина яратилмайди. Поэтик нутқ эстетик вазифа бажариш учун яратилади<sup>10</sup>. Ахборот етказиш унда иккинчи даражали қийматга эга бўлади. Унинг прозаик нутқдан асосий фарқи ана шу белгисида кўринади. Шунинг учун ҳам поэтик нутқ поэтик синтаксиснинг асосий ва марказий объекти сифатида белгиланади.

Н.П.Небросина поэтик синтаксисни поэзия ва синтаксиснинг кесишувида юзага келган соҳа сифатида эътироф этади ва “поэтик синтаксис” атамаси остида оламнинг поэтик тасвири, поэтик нутқда воқеликни бадиий ифода этиш мақсадида қўлланилган алоҳида ва ўзига хос ифода имкониятларини ўрганиш учун хосланган синтаксис тушунилиши лозимлигини таъкидлайди<sup>11</sup>.

Б.В.Томашевский поэтик нутқни тадқиқ этувчи соҳа сифатида қуйидагиларни поэтик синтаксиснинг асосий вазифалари этиб кўрсатади: а) сўз ва гапларнинг ўзаро боғланиш жараёнини таҳлил этиш; б) поэтик нутқда сўз тартибининг ўзига хослигини ўрганиш; в) синтактик қурилмаларнинг узул маъноларини аниқлаш; г) гапларнинг шаклланиш жараёни ва унинг интонация билан боғлиқ жиҳатлари; д) қурилмаларнинг психологик томонларини таҳлил қилиш<sup>12</sup>. Лекин кўрсатиб ўтилган вазифалар фақат поэтик синтаксисга тегишли эканлиги биров шубҳа туғдиради. Биринчидан, муаллиф психологик таъсир қилиш деганда нималар назарда тутилганини аниқ изоҳламайди. Иккинчидан, санаб кўрсатилган хусусиятлар прозаик нутқ мисолида ҳам ўрганлиши мумкин. Учинчидан, синтаксис нутқнинг бошқа турлари таҳлилида ҳам мазкур вазифаларга тўхталиб ўтади. Тилшуносликда синтаксис бу вазифаларни тўлиқ бажариб келмоқда. Бундай пайтда поэтик синтаксиснинг ўзига хослиги нималарда кўринади, деган савол туғилиши табиий ҳол.

Бизнингча, поэтик синтаксиснинг вазифаси бирмунча кенгроқ бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида, дастлаб поэтик нутқнинг алоҳида ажралиб турувчи синтактик белгиларини аниқлаш, бўлақларнинг функционал имкониятларини кўрсатиш, поэтик нутқнинг синтактик-композицион тузилишига эътибор қаратиш, поэтик нутқ муаллифининг “поэтик индивидуаллиги”<sup>13</sup>ни кўрсатувчи воситаларни белгилаш ва тизим

<sup>9</sup> Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. –Тошкент, 2008. –313 б; Жамолитдинова Д. Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. – 26 б; Умирова С. Ўзбек шеърлятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърляти мисолида): Фил. фанл. б.фал.док. ((PhD) дисс. автореф. –Самарқанд, 2019. –48 б;

<sup>10</sup> Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. Москва, «Пресс». 1999. С 334.

<sup>11</sup> Небросина Н.П. Синтаксис стихотворной речи как предмет лингвопоэтического исследования: На материале англ. и амер. поэзии XVI-XX вв. АДД. Пермь - 1997. С 42;

<sup>12</sup> Лебедев А.А. Поэтический синтаксис П.А.Вяземского. АКД. Петрозаводск, 2016. С 28.

<sup>13</sup> Умирова С. Ўзбек шеърлятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърляти мисолида): Фил. фанл. б.фал.док. ((PhD) дисс. автореф. –Самарқанд, 2019. – 48 б;

сифатида ўрганиш, поэтик нутқни шакллантирувчи, асосий тасвирий воситалари ҳисобланган синтактик фигураларни тасниф қилиш ва уларнинг синтактик-стилистик функцияларини баҳолашдан иборат бўлиши керак, деб ўйлаймиз. И.И. Ковтунова жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, “поэтик синтаксис атамасининг моҳияти поэтик нутқнинг синтактик ўзига хослигига функционал жиҳатдан ёндашилгандагина, тўла юзага чиқади<sup>14</sup>”. Чунки эстетик-экспрессив функция фақат фонетик, лексик ёки морфологик бирликлардагина эмас, синтактик қурилмаларда ҳам мавжуд. Функционал ёндашув дейилганда, синтактик қурилмаларнинг ана шу жиҳатлари тушунилади. Бундан ташқари, синтактик қурилмалар ўзига хос ритмга эга бўлади, яъни улар шеърини ўлчамлар асосида шаклланади. Уларнинг бу хусусияти ҳам поэтик синтаксисда тадқиқ этилади. Бундан ташқари, А.А.Лебедевнинг фикрича, нутқ муаллифи учун типик бўлган, унинг ижодида кўп қўлланиладиган синтактик қолипларни таҳлил қилиш, маълум бир шоир ижодида доминант бўлган синтактик қурилмалар тадқиқи асосида шоир ижодининг синтактик эволюциясини кузатиб бориш ҳам поэтик синтаксисга бағишланган тадқиқотларнинг асосини ташкил этади<sup>15</sup>.

Поэтик синтаксис фақат синтактик қурилмаларнинг поэтик нутқдаги хусусиятлари ва ўзига хослигини ўрганиш билангина чегараланиб қолмайди. Поэтик синтаксис доирасида фикрни образли ҳолда ифодалашнинг синтактик усул-воситалари, тасвир воситаларининг, синтактик қурилмалардаги экспрессив-функционал имкониятлари ва стилистик ўзига хослигига ҳам диққат қаратилади<sup>16</sup>. Поэтик синтаксисни ўрганиш орқали усул ва воситаларнинг, поэтик маънога эга бўлган, услубий хосланган айрим сўз ва ибораларнинг, маълум бир синтактик қурилмаларнинг поэтик нутқ учун хосланган функцияларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин. Бундай ҳолатда поэтик синтаксисга оид тадқиқотлар нутқдаги грамматик алоқалар ва синтактик бирликлар таҳлилини ўз ичига олади. Муаллиф томонидан онгли равишда қўлланилган синтактик фигуралар тадқиқи ҳам поэтик синтаксисга оид тадқиқотлар доирасида амалга оширилади.

Поэтик синтаксис ўзида кўплаб синтактик қурилмаларнинг хилма-хиллиги, грамматик синонимларнинг бой имкониятлари, гапнинг хилма-хил ва мураккаб турларини бадиий ифода воситалари ресурси сифатида сақлайди. Шунинг учун ҳам поэтик нутқнинг ўзига хос тил хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, чунки поэтик нутқдагина тил ва нутқ бирликлари ўзининг функционал имкониятларини тўла намоён қила олади. Поэтик синтаксисда грамматика ва поэтиканинг ўзаро муносабати реаллашади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, поэтик нутқ грамматиканинг синтактик-стилистик қонуниятлар доирасида тадқиқ этилишини талаб қилади. Бунда синтактик қурилмаларнинг синтактик-семантик хусусиятлари – қисмларнинг тартибланиши, қурилмаларнинг узун-қисқалиги, предикатив-

<sup>14</sup> Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. М: “Флинта” 1986. 208-стр.

<sup>15</sup> Лебедев А.А. Поэтический синтаксис П.А.Вяземского. АКД. Петрозаводск, 2016. С 28.

<sup>16</sup> Патроева В.Н. Типы и функции осложняющих конструкций в языке русской поэзии XVIII-XIX в.в. Автореф... дисс...док...фил...наук. СПб, 32-стр.

модал бўлақларнинг фикрни ривожлантиришдаги иштирокига диққат қаратилади. Поэтик нутқда актуал бўлиниш масаласи ҳам синтактик тадқиқотлар доирасига киради. Тема ва рема муносабатининг юзага чиқиш тартиби ҳам поэтик нутқда маълум стилистик функция бажаради. Грамматик бирликларнинг поэтик шакллантирилиши ва экспрессив имкониятлари, жанрий-стилистик коннотацияси поэтик нутқда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Поэтик синтаксис таҳлиллари шуниси билан фаркланадики, поэтик нутқни ташкил этган синтактик қурилмалар таркибидаги сўзлар гуруҳи (бўлақлар тизими) фақат маънолари ва бўлақ сифатидаги белгиларига эмас, поэтик нутқда бажарган вазифаси, поэтик нутқ учун хосланишига эътибор қаратилади.<sup>17</sup> Бадиий нутқнинг лексик таҳлилида марказий текширув объекти сўз ҳисобланса, поэтик нутқнинг синтактик тадқиқида жумла, гап ва суперсинтактик бутунликлар<sup>18</sup> ва уларнинг таркибий қисмлари таҳлилга тортилади. Лексик тадқиқотларда сўз қўллашдаги адабий меъёрлардан чекиниш ҳолатлари, сўзларнинг ўз ёки кўчма маъноларда ишлатилиши (троплар масаласи) ўрганилар экан, уларни тўла изоҳлаш учун контекст (нутқ ёки матн) зарур бўлади. Поэтик синтаксисда поэтик нутқ контекст вазифасини бажаради. Поэтик синтаксисда синтактик қурилмаларнинг типологияси, гап таркибидаги сўзларнинг грамматик алоқаси билан бирга, синтактик қурилмалардаги мазмун ўзгаришлари, муаллиф томонидан уларга юкланган семантик-стилистик вазифалар ва қисмларнинг ўзаро семантик муносабатларига ҳам эътибор қаратилади. Одатда, синтактик қурилмалар таркибида фигуралар қўлланганда, фикр ифодасида семантик-стилистик ўзгаришлар кузатилади.

Поэтик нутқ – бу, экспрессив нутқдир. Шунинг учун ҳам поэтик нутқни ўрганишда унинг экспрессив жиҳатларига эътибор қаратиш, экспрессивликнинг юзага келишини таъминловчи восита ва фигураларни тадқиқ этиш поэтик нутқ моҳиятини кенг ва атрофлича ўрганиш учун имконият яратади.

Экспрессивлик поэтик синтаксис доирасида эмоционаллик, образлилик тасвирийлик, таъсирийлик каби тушунчалар билан кесишади. Шулар билан бирлашади, узвий боғланган бўлади. Шунинг учун ҳам лингвистик адабиётларда бу тушунчалар доимо ёнма-ён қўлланади.

Бугунги кунда экспрессивликнинг бадиий нутқдаги ўрни ва функцияси тадқиқи шу қадар чуқурлашиб кетдики, натижада тилшуносликда экспрессив фонетика, экспрессив лексика, экспрессив морфология, экспрессив синтаксис тушунчалари пайдо бўлди. Рус тилшуноси Н.П.Романова ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ шундай ёзган эди: “Тилшуносликда тилнинг тасвирий воситалари ҳақидаги маълумотлар шу қадар кўпайиб кетдики, бу ҳолат

<sup>17</sup> Патроева В.Н. Типы и функции осложняющих конструкций в языке русской поэзии XVIII-XIX в.в. Автореф... дисс...док...фил...наук. СП, С 53

<sup>18</sup> Абдупаттоев М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. : Фил. фанл. номз... дисс... – Тошкент. 1998, 130 б.



лексикологияда янги йўналиш шаклланишига олиб келди. Бу йўналишни шартли равишда экспрессология деб аташ мумкин”<sup>19</sup>.

Поэтик синтаксисни тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида баҳолаб, унинг мақомини белгилаш, ўрганиш объектлари ва муаммоларини аниқлаштиришда юқоридаги каби масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи бобнинг “Поэтик синтаксиснинг умумий масалалари” деб номланган иккинчи фаслида ўзбек тилшунослигида поэтик синтаксисга оид тадқиқотларда қандай масалалар ёритилиши зарурлиги, поэтик синтаксиснинг асосий объекти ҳисобланган поэтик нутқ мақомини белгилаш бўйича назарий қарашлар, поэтик синтаксис муаммолари ёритилган.

Поэтик нутқнинг алоҳида белги-хусусиятлари ҳақидаги дастлабки маълумотларни қадимги давр файласуфи Аристотелнинг “Поэтика” асарида учратамиз. У ўз асарида “Биз умуман, поэтик санъат тўғрисида, шунингдек, унинг алоҳида кўринишлари ва улардан ҳар бирининг имкониятлари, поэтик асарнинг яхши чиқиши учун ривоят қандай тузилмоғи лозимлиги тўғрисида сўзлаймиз”<sup>20</sup> – деб, таъкидлайди ва “поэтика” атамасини илмий жиҳатдан биринчи бўлиб қўллайди. Ҳозиргача поэтик нутқ – шеър қурилиши тадқиқи бўйича тилшуносликда ҳам, адабиётшуносликда ҳам жуда кўп илмий асарлар яратилди. Натижада тилшуносликда поэтик нутқ масалалари билан шуғулланувчи лингвопоэтика соҳаси вужудга келди. Замоनावий тилшуносликда линвопоэтиканинг тадқиқот объекти сифатида ҳиссий-таъсирийлик юқори бўлган, образлилик ўзига хос лингвистик ва экстралингвистик воситалар ёрдамида ҳосил қилинадиган, алоҳида поэтик-интонацион воситалар тизимига эга бўлган нутқ тури белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу нутқ, асосан, нотиклик санъати, халқ поэтик ижоди ҳамда шеърини тузилишга эга бўлган асарларда ўз аксини топади. Шунингдек, поэзия талабларига жавоб берувчи насрий шеър (назмий баён)лар ҳам поэтик нутқ сирасига киради.

Рус тадқиқотчиси Л.А.Хорешко поэтик синтаксисга қуйидагича таъриф беради: “Поэтик синтаксис синтаксис сатҳининг алоҳида соҳаси бўлиб, у ҳиссий-таъсирий бўёқдорликка эга бўлган поэтик нутқни тадқиқ этади. Унинг текширув объекти сифатида поэтик нутқ ва унда образлилик, ҳиссий-таъсирийлик, тасвирийлик каби стилистик бўёқдорликни кучайтирувчи синтактик фигураларни белгилаш мақсадга мувофиқдир”<sup>21</sup>. Кўринадики, поэтик синтаксис соҳасининг мақомини белгилаш, унинг текширув объектини аниқлаш масаласи тилшуносликда ўзининг аниқ хулосасига эга.

Поэтик нутқнинг синтактик таҳлилида асарда барча сатҳ бирликларининг функционал имкониятлари, муаллиф томонидан ҳар бир

<sup>19</sup> Романова Н.П. О метаязыке раздела лексикологии, изучающего экспрессивную лексику //

Экспрессивность на разных уровнях языка : межвуз. Сб. науч. трудов. Новосибирск, 1984. С 6-19.

<sup>20</sup> Аристотель. Поэтика. Тошкет, Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1980, 7-бет.

<sup>21</sup> Хорешко Л. А. Лингвокультурологический анализ поэтического текста и его передача на английский язык. Белгород – 2018, С 66.

бирликка муаллиф томонидан қандай вазифа юкланганлиги ва бу вазифа қандай уддаланганлигига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир бирликнинг воқеа-ҳодиса баёнида, объект тасвирида, ҳис-туйғу ёки кечинмалар ифодасида ўз ифода имконияти, шу билан бирга, аниқ вазифаси мавжуд. Поэтик синтаксиснинг вазифаси ана шу имкониятларни ойдинлаштириш, изоҳлаш, тушунтиришдан иборатдир.

Поэтик синтаксиснинг муҳим масалаларидан яна бири – бу, поэтик нутқнинг синтактик қурилиши ва ички ритм масаласи, ҳар иккисининг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига мутаносиблиги масаласидир, чунки бадиий асар, у насрий ёки назмий шаклга эга бўлишидан қатъий назар, ўз тузилиш модели (қолипи)га ва ички ритмига эга бўлади. Нутқнинг таъсирчанлиги ва образлилигини таъминлашда уларнинг ўрни ва вазифаси салмоқли ҳисобланади.

Синтактик боғланишларнинг маълум бир мақсадда функциялашуви синтактик ва семантик алоқа қонуниятларидан ташқарига чиқиши, уларга бўйсунмаслиги натижасида гапларнинг ўзига хос тарзда шаклланиши ва гап бўлақларининг грамматик қоидаларга зид ҳолда жойлашуви поэтик нутқ таъсирчанлигини кучайтириш билан чамбарчас боғлиқ.

Поэтик синтаксис доирасида тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммоли масалалардан яна бири муаллиф идиостили ва унинг синтактик-стилистик хусусиятларини ўрганишдир. Поэтик асарларнинг лингвопоэтик таҳлиliga қаратилган тадқиқотларда идиостил ижодкор бадиий оламини ёритиш учун хизмат қилувчи лисоний усул ва воситаларнинг мураккаб тизими сифатида таърифланади<sup>22</sup>. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тадқиқотчи С.Умирова мазкур ҳодисани *поэтик индивидуаллик* атамаси остида тадқиқ этган<sup>23</sup>.

Умуман, поэтик нутқнинг синтактик тадқиқи унинг фақат фикр баён қилиш воситасигина эмас, балки ижод маҳсули, санъат тури сифатида тушунилиши учун замин яратади, турли синтактик қурилмалар ва улар таркибидаги қисмларнинг функционал имкониятлари ҳақида чуқурроқ маълумот олиш учун имконият беради. Поэтик синтаксис масалаларига эътибор қаратиш лексик-грамматик воситаларнинг бой стилистик имкониятлари, синтактик қурилмаларнинг ўзига хос ва кенг ифода усулларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи бобнинг “Поэтик нутқнинг семантик-структур тадқиқи” деб номланган учинчи фаслида поэтик нутқнинг асосий семантик-структур белгилари, унинг шаклланиш қонуниятлари, поэтик нутқ бирликлари масаласи, шеърий бандларнинг синтактик таҳлили каби масалалар ёритилган.

Шаклий жиҳатдан поэтик нутқ мураккаб синтактик бутунликдир. Унинг бутунлик сифатидаги белгилари интонацион, синтактик, фикрий томонларида кўринади. У бутунлик сифатида нутқ қурилишининг грамматик

<sup>22</sup> Болотнова Н. С. Изучение идиостиля в современной коммуникативной стилистике художественного средства. М., 2004. С.37

<sup>23</sup> Умирова С. Ўзбек шеъриясида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияси мисолида): Фил. фанл. б.фал.док. ((PhD) дисс. автореф. –Самарқанд, 2019. –48 б

конуниятлари асосида шаклланади, яъни унинг таркибида синтактик алоқа ва синтактик алоқа воситаларининг барчаси иштирок этади.

Семантик жиҳатдан поэтик нутқни ташкил этган лексик бирликларнинг бир умумий семантик майдон атрофига бирлашиб, нутқнинг умумий мазмунини юзага чиқариш учун хизмат қилиши натижасида бир бутунлик шаклланади. Лексемалар ўзаро синтактик алоқага, поэтик нутқ таркибида бошқа сўзлар билан семантик муносабатга кириши асосида маъно товланишлари ҳосил қилинади, улар поэтик нутқ учун функционал хосланади ва шу йўл билан нутқда доминантликка эга бўлган семантик марказ ҳосил бўлади. Поэтик нутқ семантикаси орқали нутқ муаллифи ва ўқувчи (тингловчи) онгида воқеликнинг поэтик тасвири ҳосил қилинади, яъни поэтик олам яратилади. Мазкур поэтик оламнинг яратилишида нафақат тил системаси бирликлари, нутқий системанинг юқори даражада шаклланган бутунликлари восита бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, маданий, эстетик ва психологик майдон яратилади. Поэтик олам бадий ижод маҳсули бўлган, поэтик нутқ орқали ҳосил қилинадиган дунёнинг маданий, эстетик ва поэтик образидир<sup>24</sup>. Поэтик нутқ семантикаси образлар системаси демакдир. Поэтик нутқ ташқи томондан қараганда, сўзлар кетма-кетлиги бўлиб, у ана шу сўзлар ифода этган семаларнинг мантиқий занжирли алоқаси натижасида ҳосил қилинади.

Поэтик нутқнинг синтактик бутунлик эканлиги уни ташкил этган қисмларнинг мавжудлигида, бўлақларга, бирикмаларга бўлинишида кузатилади. Унинг бўлақланиши ритмик ўлчов,, синтактик ва интонацион жиҳатдан шеърий қатор (сатр)ларнинг шаклланишига олиб келади. Поэтик нутқнинг синтактик бутунлик сифатида яқунланиши махсус интонацион тугаллик орқали ифода этилади.

Поэтик нутқ учун хосланган ва поэтик нутқ таркибидагина қўлланувчи синтактик бирликлар мавжуд. Уларнинг бу хусусиятидан келиб, чиқиб поэтик нутқ бирликлари, деб номлаш ҳам мумкин. Бундай бирликлар ўзига хос ички ритм асосида шаклланиши ва уюшган қисмларга эга бўлиши, таркибида ҳиссий-таъсирий воситаларнинг иштирок этиши билан ажралиб туради. Бундай хусусиятларга эга бўлган синтактик бирликларнинг икки турини кўрсатиш мумкин:

1. Периодлар.

2. Бинар синтактик қурилмалар.

1. Периодлар. Ўзбек тилшунослигида периодларни ўрганиш ХХ асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Мазкур синтактик бирликни махсус ўрганган олим А.Мамажоновдир. У ўзининг “Периоды в современном узбекском литературном языке” номли номзодлик диссертациясида<sup>25</sup> ўзбек адабий тилида қўлланувчи периодларни поэтик нутқ услубининг асосий бирлиги эканлигини таъкидлайди ва халқ оғзаки поэтик ижодида ҳам кенг

<sup>24</sup> Казарин Н.В. Поэтический текст как система. Издательство Уралского университета, 1999. 67-стр.

<sup>25</sup> Мамажонов А . Периоды в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс...канд. филолог. наук. Ташкент. 1975. С 22

қўлланувчи халқ мақоллари ва қолиплаган иборалар периодлар воситасида ифода этилишини кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг фикрича, периодларни ўрганиш Аристотель замонларидан бошланган бўлиб, нотиклик санъатининг ифодали нутқ кўриниши сифатида талқин этиб келинган.

Период атамаси остида “мазмунан ва интонацион тугалликка эга бўлган, бир нечта уюшган қисмлардан ташкил топган синтактик бутунликлар ёки уларнинг маълум бир гуруҳлари тушунилади”<sup>26</sup>. Масалан:

*Ҳайрон бўлма, турна кишнаса,  
Қаҳратонда олма гулласа,  
Аммо сенинг севиб қолишинг,  
Алдаб нима қиласан мени.* (М.Юсуф)

Юқоридаги поэтик нутқ кўринишида бешта предикатив бирлик ўзаро бирикиб бир бутун ҳолдаги синтактик бирлик – периодни шакллантирган. Кўришиб турганидек, период воситасида фикр образли ва таъсирчан ҳолда ифодаланган.

2.Бинар синтактик қурилмалар. Поэтик нутқ таркибида шаклланувчи иккита синтактик бирликнинг семантик ва грамматик жиҳатдан боғланиши натижасида ҳосил қилинадиган бутунликлар бинар синтактик қурилмалар ҳисобланади. Поэтик нутқда қўлланувчи ҳар қандай синтактик бирлик ўзаро уюшган ҳолда бирикиб бинар қурилмани ташкил этиши мумкин. Улар ўзаро бирикиб ўзидан катта синтактик бутунликнинг шаклланиши учун хизмат қилади. Шунга кўра бинар синтактик қурилмаларни қуйидаги тартибда ўрганиш мумкин:

а) бинар сўз бирикмалари. Улар нутқ таркибида кетма-кет қўлланиб, содда гапни ташкил этади ва гапда таъсирийлик ва тасвирийликни кучайтириш учун хизмат қилади. Бинар сўз бирикмаларининг қўлланиши халқ поэтикасида кенг қўлланиб, таъсирийлик жиҳатдан маҳсулдор восита ҳисобланади. Одатда халқ мақоллари шундай синтактик қурилмалардан иборат бўлади:

*Ақлли иш – қанотли қуш.* (Мақол)

Юқоридаги мисоллардан англашилиб турибдики, икки сўз бирикмасининг семантик ва синтактик жиҳатдан боғланиши асосида образлиликка эга бўлган содда гап шаклланган.

Содда гапларнинг бир хил қолипдаги бинар сўз бирикмалари асосида шаклланиши поэтик нутқ ритмидаги бир хил ўлчамни таъминловчи фаол восита ҳисобланади:

*Бу дунёда хатоим – у дунёда зарарим.* (Иқбол Мирзо)

Мазкур мисолда ҳам юқоридаги ҳолатни кузатиш мумкин, яъни бир хил тузилишга эга бўлган, жуфтлашган сўз бирикмалари содда гапларнинг шаклланишида ўзига хос параллеллик ҳосил қилиш орқали фикрнинг таъсирчан ва образли тарзда етказилишида муҳим рол ўйнайди.

<sup>26</sup> Ахманова, О. С. Словарь лингвистических терминов / О. С. Ахманова.–М. :”Едиториал”, 2007. С.608.

Б) бинар содда гаплар. Бундай содда гап турлари бир хил синтактик колипларда шаклланади, ўзаро жуфтлашади, ўз навбатида, қўшма гапларни юзага келтиради:

*Бу дунёга келганим – у дунёга сафарим,*

*Бу дунёни енгганим – у дунёда зафарим.* (Иқбол Мирзо)

Мазкур мисол эса бинар қурилмаларнинг жуда ноёб тури ҳисобланиб, унинг таркибида бинар сўз бирикмалари ҳам, бинар содда гаплар ҳам иштирок этган. Яъни: биринчи содда гапда *Бу дунёга келганим* биринчи сўз бирикмаси, *у дунёга сафарим* иккинчи сўз бирикмаси; кейинги содда гапда *Бу дунёни енгганим* биринчи сўз бирикмаси, *у дунёда зафарим* иккинчи сўз бирикмаси. Уларнинг барчаси бирикиб, икки бинар содда гапдан ташкил топган боғловчисиз қўшма гап ҳисобланади.

В) бинар қўшма гаплар. Шаклий қурилиши жиҳатидан бир хил структурага эга бўлган иккита қўшма гапнинг жуфтлашиши ва синтактик алоқаси асосида воқеланадиган синтактик бутунликлар “бинар қўшма гаплар” дейилади<sup>27</sup>. Поэтик нутқдаги шеърий бандлар, одатда, шу турдаги синтактик қурилмалардан иборат бўлади. Масалан:

*Кунлар ботар, сендан дарак йўқ,*

*Тонглар отар, сендан дарак йўқ* (М.Юсуф)

Бундай синтактик бутунликларда таъсирийлик ва экспрессивлик жуда юқори бўлгани учун ҳам, уларнинг поэтик нутқда қўлланиши заруратга айланади, чунки поэтик нутқ нутқий шакллар ичида энг таъсирли ва жозибали нутқ эканлиги бугунги кунда ўз исботини топган.

Поэтик нутқнинг бўлакчилиши (қисмларга ажралиши) натижасида шеърий бандлар ҳосил қилинади. Ю.М. Лотман фикрига кўра, мазкур шеърий бандлар параллел равишда прозаик нутқдаги абзацларга тенг келади<sup>28</sup>. Демак, шеърий бандлар сатр (гап)ларнинг маълум бир семантик ва синтактик алоқдорлиги асосида гуруҳланиши натижасида шаклланади. Шунинг учун ҳам прозаик нутқда худди шу йўл билан ҳосил бўладиган гаплар гуруҳи Г.Я.Солганик томонидан “прозаическая строфа” (прозаик банд) атамаси остида ўрганилган<sup>29</sup>. Унинг ўзбек прозаик матнларидаги кўринишлари биз томонимиздан “суперсинтактик бутунлик” атамаси остида тадқиқ этилган<sup>30</sup>.

Шеърий бандлар семантик, синтактик ва интонацион бутунликлардир. У сатрларнинг ўзаро мазмунан алоқадорлиги асосида шаклланади. Шеърнинг бандларга бўлиниши тасодифий ҳол бўлмай, муаллиф томонидан пухта ўйланган бир бутунликда шакллантирилувчи поэтик нутқ бирлиги ҳисобланади. Унинг шаклланишида фонетик такрор (қофия) тизими муҳим

<sup>27</sup> Мамажонов А. Бинар қўшма гаплар ва уларнинг функционал-семантик хусусиятлари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журн. 2020. 4-сон, 18-бет.

<sup>28</sup> Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Ленинград. Просвещение (Ленинградское отделение). 1972. 96-стр.

<sup>29</sup> Сопганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. Москва. “Высшая школа» 1973. С 103.

<sup>30</sup> Абдулаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. Номз... дисс.. автореф. Тошкент. 1998. Б 23.

ўрин тутади. Фонетик такрор шеърий бандларни ташкил этган сатрларни бирлаштириб туради. Уларни бир бутунлик сифатида шакллантиради.

Поэтик нутқнинг юқорида биз кўриб ўтган аспектларига диққат каратиш, унга фақат структур-семантик ёндашишнинг бир жиҳати холос. Поэтик нутқ синтактик, семантик, стилистик жиҳатдан шундай мураккаб структураки, унинг лингвистик табиати жуда кўп тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Диссертациянинг **“Поэтик нутқ – композицион-синтактик бутунлик”** деб номланган иккинчи боби мазмуни 4 фаслда баён қилинган.

Бобнинг “Поэтик нутқнинг композицион-синтактик қурилиши” деб номланган биринчи фаслда поэтик нутқ ўзига хос композицион-синтактик тузилишга эга нутқ тури эканлиги, уларда композицион-синтактик қисмлар мавжудлиги, бу қисмларнинг ўзига хос белги-хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Шеърий нутқнинг композицион-синтактик тузилишини ўрганиш поэтик синтаксиснинг ўрганиш объекти доирасига киради. Поэтик нутқнинг композицион-синтактик тузилиши дейилганда, нутқ таркибига кирувчи қисмларининг тартибли жойлашуви, фикрнинг изчил ривожланиб бориши, мана шу изчилликни ифода этувчи тил ва нутқ бирликларининг муайян мантиқий кетма-кетликда жойлашуви ва бадий жиҳатдан ифодали этиш учун қўлланиши тушунилади. Поэтик нутқнинг композицион-синтактик таҳлили нутқни лингвистик категориялар бўйича баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, нутқнинг композицион-синтактик тузилиши маълум бир макон ва замон бирлигида уни ташкил этган компонент-қисмлар, синтактик-стилистик фигуралар, гаплар ва бошқа образ яратувчи воситаларнинг тартибли жойлашиши асосида шаклланади. Синтактик композиция муаллиф онгида “сочилиб ётган” фикр-ғояларни тартибга солади<sup>31</sup> ва тил воситалари ёрдамида ифодаланиши билан мураккаб синтактик қурилма – нутқ яратилади. Композиция алоҳида қисмлардан бутунлик ҳосил қилади. Бунда нутқнинг мавзуси, сарлавҳаси, номланиши, эпиграфи, биринчи ва охириги гапи муҳим вазифа бажаради.

Рус тилшунос олимаси Г.А. Золотова нутқнинг композицион-синтактик тузилиши ҳақида шундай дейди: “Композицион-синтактик тузилиш тил воситаларининг мазмуний кетма-кетлик асосида, маълум бир тартибда нутқнинг фикрий-коммуникатив таркибини шакллантиришдир”<sup>32</sup>. Мана шу мазмуний ва структурал тартиб асосида композицион-синтактик тузилиш ҳосил бўлади. Тил воситалари ёрдамида фикрни изчил ривожлантириш учун онгли равишда нутқий-композицион шаклларнинг тартиблантирилиши натижасида композицион-синтактик яхлитлик (бутунлик) ҳосил қилинади ва шу йўл билан фикр бошланади, ривожланади, яқунланади.

<sup>31</sup> Солодова Е.С. Лингвокогнитивные характеристики композиции текста английских сказок Дж.К. Роулинг. Авторф. дисс. канд. филолог. наук. Харьков. 2008, 24-стр.

<sup>32</sup> Золотова Г. Л., Онипенко Н. К., Сидорова М. Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. М., 1998. 74-стр.

Нутқнинг композицион-синтактик тузилишининг шаклланишида “қисмларни шундай (тартибда) жойлаштириш керакки, улар муаллиф фикр-ғоясининг аниқ изчилликда ифода этилиши учун хизмат қилсин”<sup>33</sup>. Дарҳақиқат, муаллиф ғояси ва поэтик тафаккури маҳсули бўлган асосий фикр-туйғуларининг изчил ифода этилиши композицион-синтактик структуранинг қанчалар мукамал тузилгани билан чамбарчас боғлиқ. Демак, поэтик нутқ синтактик структураси яхлитлиги ва мазмуний изчиллигини таъминловчи асосий шартлардан бири, бу – унинг синтактик-композицион тузилишга эга эканлигидир. Композицион-синтактик тузилиш дейилганда, энг аввало, Е.А.Реферовская таъкидлаганидек, поэтик нутқ асосий қисм-элементларнинг тартибли жойлашуви тушунилади<sup>34</sup>. Г.Я.Солганик эса бундай жойлашувнинг бошланма, фикр ривожини ва тугалланма каби асосий уч қисмдан иборат бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>35</sup>. Нутқнинг композицион-синтактик қисмлари ҳақидаги фикрларни бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин<sup>36</sup>. Тадқиқотчи Н.А.Юшина бундай қисмларни фақат абзацга нисбатан қўллайди<sup>37</sup>. Бизнингча, шеърини асарлар – тўртликлар, рубойлар ва бошқа кичик ҳажмли асарларнинг ўзи биргина синтактик бутунлик (шеърини банд)дан ташкил топган ҳолатларда ҳам, уларнинг композицион-синтактик тузилиши қисмлари (бошланма, фикр ривожини, тугалланма) рўй-рост кўзга ташланади. Зеро, бир шеърини банд битта суперсинтактик бутунлик демакдир.

Поэтик нутқнинг композицион синтактик тадқиқи лингвистик муносабатлар доирасида асар матнида фикрнинг ривожланиш динамикаси қонуниятларини белгилаш, композицион-синтактик тузилиш тушунчасини изоҳлаш ва унинг фикрни изчил ифода этиш шакли эканлигини кўрсатиш нуқтаи назардан долзарб ҳисобланади. Поэтик нутқда композицион-синтактик структура қандай воситалар ёрдамида шаклланиши ва воқеликни ифода этишда қандай лингвистик ва экстралингвистик омиллар иштирок этиши масаласи нутқнинг лингвистик табиатини ҳар томонлама ва атрофлича баҳолаш имкониятини беради.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли “Поэтик нутқнинг композицион-синтактик қурилишида коммуникатив регистрлар мавқеи” деб номланади. Мазкур фаслда коммуникатив регистр тушунчаси ва унинг поэтик нутқнинг композицион-синтактик қурилишидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Поэтик нутқнинг композицион-синтактик тузилиши турли мантиқий категорияларга асосланади. Ўзбек поэтик нутқида бундай категориялар хилма-хил бўлиб, алоҳида бир тизимни ташкил этади. Ана шундай мантиқий категориялардан бири нутқнинг коммуникатив регистрлари деб, юритилади.

<sup>33</sup> Гинзбург Л.Я. О лирике. – М., 1974. 47 стр.

<sup>34</sup> Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. Л., «Наука», 1983, стр.69.

<sup>35</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. М., 1979. стр. 102.

<sup>36</sup> Абдуллаев Н.М. Теоритические проблемы синтаксиса азербайджанского языка. АДД. Баку-1984, стр.45.

Одинцова С.С. Особенности синтаксического построения связного текста. Л., 1984, стр.18.

<sup>37</sup> Юшина Н.А. Абзац его структурно-семантические типы и функционирование их в произведениях В.И.Ленина. М. 1972, стр.16.

Ҳар қандай поэтик нутқ композицияси синтактик нуқтаи назаридан турли бирликлар ёрдамида шаклланган қурилма сифатида, фикрий-коммуникатив бутунлик сифатида белгиланади. Нутқнинг композицион-синтактик тузилишини бир хил композицион қисмлар – нутқий регистрларни реаллаштирувчи нутқ бирликлари ташкил этади. Нутқий регистрлар киши онгидаги фикрларни ифода этиш учун нутқни маълум бир мазмуний кетма-кетликда шакллантириш учун асос бўладиган ва нутқнинг яратилиши учун туртки берадиган хабарларнинг мазмуний тури ва оқимидир<sup>38</sup>.

Рус тилшунос олимаси Г.А. Золотова поэтик нутқ структурасининг конкретликдан абстрактликка, алоҳидалиқдан умумийликка интилувчи бешта коммуникатив регистрлар ёрдамида шаклланишини алоҳида таъкидлайди ва уларнинг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтади<sup>39</sup>. Диссертацияда олиманинг бу таснифига қўшилган ҳолда, ўзбек поэтик нутқи қурилиши мисолида *репродуктив, информатив, генератив, волюнтив, реактив* регистрларнинг ўрни кўриб чиқилди ва изоҳланди.

Ҳар қандай нутқ, у қисқа ёки узун бўлишидан қатъий назар, адресатга маълум бир информацияни етказиш мақсадида шакллантирилади. Бунда нутқ муаллифи ишончлилик, тушунарлилик ва аниқлик тамойилларига амал қилиши лозим. Ушбу талаблар нутқни шакллантиришда мантиқий изчилликка, нутқ қолиплари ва мавжуд синтактик қонуниятларга амал қилишни тақозо этади. Бунга риоя қилиш нутқнинг композицион-синтактик қурилишининг тўғри амалга оширилишига олиб келади. Композицион-синтактик структуранинг тўғри шакллантирилиши ўз навбатида фикрнинг аниқ ва маълум бир мазмуний изчилликда, таъсирли ва образли тарзда етказилишини таъминлайди. Нутқнинг тушунарсиз ёки грамматик жиҳатдан ғализ бўлиши нутқ композицион-синтактик структурасининг нотўғри шакллантирилганидан далолат беради. Нутқ композицион-синтактик структурасининг тўғри шаклланишида юқорида биз кўриб ўтган коммуникатив регистрлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу хусусиятлар поэтик нутқ учун ҳам хосдир.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “Поэтик нутқнинг композицион-синтактик қурилишида актуал бўлиниш бирликларининг ўрни” деб номланади. Мазкур фаслда гапнинг семантик ядроси ҳисобланган актуал бўлиниш бирликлари – тема ва реманинг поэтик нутқда юзага чиқиш ҳолатлари, уларнинг поэтик нутқнинг композицион-синтактик қурилишида семантик категория сифатида воқеланиши масалаларига тўхталиб ўтилган.

Маълумки, синтактик конструкцияда актуал бўлиниш бирликлари сифатида кўпчилик олимлар гапнинг ифода асоси – тема ва ифода ядроси – ремани белгилайдилар. Нутқ муаллифи ва эшитувчи ёки ўқувчи коммуникация механизми таркибига киради. Тема – мавзу уларнинг ҳар

<sup>38</sup> Рязина Е.В. Коммуникативные регистры в поэзии Владимира Высоцкого // Коммуникативные исследования (Сборник) // М. 2014. № 1. – С 165-176.

<sup>39</sup> Золотова Г.А., Онипенко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. М., 2004. 33-стр.



иккаласига ҳам, кўпинча, олдиндан маълум бўлса, рема адресант томонидан узатиладиган янги хабар, информация ҳисобланади<sup>40</sup>. Кўринадики, у синтактик категория сифатида мазмуний аспектда ҳам ўрганилади ва поэтик нутқнинг композицион-синтактик жиҳатдан шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Катта поэтик асарларда мавзу (тема) асарнинг бутун ҳажми давомида ёритилиб борилади. Кичик ҳажмли (шеър, тўртлик)ларда эса тема ҳақидаги янги хабар (рема) ана шу кичик ҳажмнинг ўзида маълум қилинади.

*Бозорга ўхшайди асли бу дунё,*

*Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.*

*Иккиси ичра кўрмадим, асло,*

*Молим ёмон деган бирор кимсани.* (А.Орипов)

Мазкур тўртликнинг композицион-синтактик қурилишида тема – дунё биринчи қаторда ойдинлашмоқда, қолган сатрлар эса рема функциясида келган, яъни дунё ҳақидаги муаллифнинг янги хабарлари – кечинмалари, туйғулари ифода этилган. Кўришиб турганидек, поэтик нутқ композицион-синтактик қурилишида тема-рема муносабати қисм (сатр)лар ўртасидаги семантик алоқадорликни кўрсатиш билан бирга, поэтик нутқ яхлитлигини таъминлаш, фикрнинг изчил ривожланиши ва хулосаланишида муҳим вазифа бажарган. Бундан ташқари, гаплар (сатрлар) ўртасидаги мустаҳкам семантик ва синтактик алоқани таъминлаш ва ҳиссий-таъсирийликни кучайтириш мақсадида синтактик фигура – такрор (*Бозорга ўхшайди* бирикмасининг такроран қўлланиши), уядош сўзлар (*бозор, мол*) қўлланилган.

Поэтик нутқ темасига тенг келувчи гапларни семантик жиҳатдан текширар эканмиз, унда мавжуд субъектнинг нутқнинг тема-рема муносабатида аҳамиятли эканлигини кўрамиз.

Маълумки, субъект атамаси остида турли тушунчалар бирлаштирилади, яъни предикат ифодалаган турли белгилар эгаси сифатида талқин этилади. Тилшунос олимларнинг таъкидлашларича, гап субъекти грамматик жиҳатдан эга ёки тўлдирувчи орқали ифода қилинади.

Поэтик нутқ темасига тенг келувчи гап субъекти ремага тенг келувчи қатор гаплар орқали изоҳлаб, кенгайтириб берилади. Бунда тема субъекти қандай тушунчани ифодаламасин, ремани ифодаловчи гаплар ана шу субъект билан боғлиқ фикрларни давом эттиради, яъни кенгайтиради.

Диссертацияда тўплаб, таҳлил этилган мисоллар моҳиятидан келиб чиқиб, субъект маъноларининг 14 тури кўрсатиб ўтилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Муаллиф идиостилининг функционал-синтактик белгилари”** деб номланади. Мазкур бобда муаллиф услубининг ўзига хослиги масаласи, муаллиф идиостилини белгиловчи воситалар тизими функционал-синтактик ёндашув асосида таҳлил этилган. Ушбу бобнинг биринчи фаслида “Идиостил – муаллифнинг окказионал ўзига хослиги” тарзида номланган бўлиб. Унда тилшуносликда идиостил тушунчасининг пайдо бўлиши, ўрганиш

<sup>40</sup> Ҳайитметов А. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позиция масалалари. Тошкент. «Фан», 1984.

зарурати, унинг тил шахси категорияси билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритилади.

Идиостил тушунчасининг шаклланиши бир пайтнинг ўзида тил шахси (нутқ эгаси) тушунчасининг шаклланишига олиб келади. “Тил доирасидан ташқарига чиқмасдан, унинг ижодкорига эътибор қаратмай туриб, тилнинг асосий ташувчиси – инсон омили билан ҳисоблашмай тил ва унинг табиати ҳақида аниқ хулосаларга келиб бўлмайди”, – деб ёзади Ш.Балли<sup>41</sup>. У, шунингдек, стилистика – инсоннинг ўзидир, деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам тил шахси ва идиостил тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Тил шахси концепцияси ўзида тилшунослик ва психология фанлари ҳақидаги билим ва тасаввурларни умумлаштиради. Тил шахси назарияси тил ташувчиси ва унинг тил характери ҳақидаги маълумотларни ўрғанади. Тил шахсини ўрганиш жараёнида унинг идиостили ва у яшаган ёки яшаётган давр тилининг имкониятлари ойдинлашиб боради, буюк ижодкорлар ўз даври тилини такрорланмас бирликлар билан бойитиб борадилар. Шунинг учун ҳам ижодкорнинг тил шахси сифатидаги идиостилини ўрганиш муҳимдир. Оддий фуқаро, сиёсий арбоб, раҳбар ёки ижодкор тилини ўрганиш уларнинг тилдан фойдалана олиш ва нутқий имкониятлари ҳақида, уларнинг шахсияти ҳақида маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам замонавий лингвистик тадқиқотларда идиостил тушунчаси кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, идиостил ижодкор, публицист, олим ёки маълум бир тил ташувчиларнинг нутқий-услубий ўзига хослиги йиғиндиси бўлиб, у орқали тил шахсининг лингвистик характери реаллашади<sup>42</sup>. Идиостил тушунчаси тилшуносликда, бадиий асар услуби тадқиқ этилган ишларда, маълум бир ижодкор ёки маълум бир асар услуби масалаларини аниқлаштириш маъносида ҳам қўлланилади.

Идиостил атамасига ёндош қўлланувчи идиолект атамаси ҳам борки, мазкур атамаларнинг қўлланилиши ва улар ифода этган тушунчадан келиб чиқиб, мазкур атамалар остида қандай ҳодисалар тушунилиши лозимлиги борасида турли қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар идиостил ва идиолект атамалари бир ҳодисани номловчи икки атама деб ҳисобласалар<sup>43</sup>, иккинчи бир олимлар гуруҳи идиолектни идиостилга ва адабий тилга зид қўйган ҳолда, уни умумхалқ тили меъёрларини ифодаловчи бирлик сифатида қўллайдилар<sup>44</sup>. Учинчи бир гуруҳ эса идиолектни идиостилга материал берувчи база (бизнингча, бу ўринда ҳам идиолект дейилганда умумхалқ тили

<sup>41</sup> Балли Ш. Французская стилистика. 2-е изд., стереотипное. — М.: Эдиториал УРСС, 2001. — 27-28 стр.

<sup>42</sup> Стилистический энциклопедический словарь русского языка. Под ред. Кожинной М. Н., 2-е изд., испр. и доп. - М., 2006. С.95-96.

<sup>43</sup>Чернышева Т.А. Идиостиль: лингвистические контуры изучения // Вестник Череповецкого государственного университета, №1, 2010. С 30-34: Малышева Е. Г. Идиостиль Владислава Ходасевича(опыт когнитивно-языкового анализа). Автореф. дис. к. ф. н.: Омск, 1997. С 22 ; Леденёва В. В. Особенности идиолекта . М.: Изд-во Моск. пед. ун-та, 2000. С 185 .

<sup>44</sup>Ашимова А. Ф. / Идиостиль как проявление языковой личности автора на примере романа«Доктор Живаго» / Вестник Минского университета, №3, 2013. – 6 с. Тихоненко О. Д. Категории«идиолект», «идиостиль», «языковая личность» и методики их лингвистического описания в контексте изучения языка художественной литературы/ Вестник КПКУ. Т. 13, №9, 2013. – С. 159-164.

база сифатида эътироф этилган) сифатида талкин қиладилар<sup>45</sup>. Бизнингча, учинчи қарашни илгари сурган муаллифларнинг таърифлари уларнинг моҳиятига яқин келади, чунки идиостил юқорида айтиб ўтилганидек, идиолектга нисбатан кенг тушунча бўлиб, у маълум бир ижодкорнинг тил воситаларидан ўзига хос фойдаланиши, ўзига хос тизим сифатида нутқ муаллифининг бетакрор ва ноёб услуги маъносида ишлатилиб, бошқа муаллифлар услубидан кескин фарқ қилувчи сўз танлаш маҳорати ва фикрни ўқувчига етказиш услуги демакдир. Идиолект эса идиостилга нисбатан бирмунча тор тушунча ифода этади ва адабий тилда мавжуд бўлмаган, умумхалқ тилида ёки яқин бир муаллиф томонидан қўлланиладиган тил (лексик ёки фразеологик) ва нутқ (ўзига хос гап қурилиши) birlikларига нисбатан ишлатилади. Биз мазкур ишда бу икки атамани худди шу маънода ишлатишни лозим топдик.

Рус тилшуноси Е.В.Кловак идиостилнинг асосий белгиларини лисоний, экстралингвистик, стилистик сатҳлар доирасида тасниф қилиш ғоясини илгари сурди<sup>46</sup>.

Кўринадики, идиостилни аниқлашда муаллифнинг тил сатҳлари birlikларининг қўлланишини асос қилиб олиш кенг ва атрофлича хулосаларга келишимиз учун хизмат қилади.

Учинчи бобнинг иккинчи фаслида “Муаллиф идиостилини юзага чиқарувчи лисоний birlikлар” масаласига тўхталиб ўтилган. Мазкур фаслда муаллиф нутқининг ўзига хослигини белгиловчи лисоний birlikлар сифатида топонимик ва окказионал birlikлар, оксюморон, номинатив, тўлиқсиз, сўз-гапларнинг қўлланиши кабилар кўрсатиб ўтилади.

Муаллиф идиостилини аниқлашда асос бўлувчи лисоний сатҳ birlikларини қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мақсалга мувофиқдир:

1. Лексик birlikлар. Фикрга мос сўз танлаш, ўзбек тилининг бой лексик имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳар бир муаллифнинг мақсад-муддаосидир. Лекин ҳар бир муаллиф улардан ўз истеъдоди ва имконияти даражасида фойдаланади. Муаллиф идиостилини кўрсатувчи лексик birlikлардан бири топонимик birlik ҳисобланади. Топонимик birlikлар ўрин, жой, макон маъноларини ифода этувчи лексик birlikлардир. Муаллиф идиостилида макон ва замон тушунчалари ҳар бир ижодкор томонидан ўзига хос тарзда ифода этилади. Поэтик нутқ муаллифи бу масалага ўзининг поэтик олаmidан ва ифода имкониятларидан келиб чиқиб ўзига хос ёндашади. Диссертациянинг иккинчи бобидан маълум бўлдики, поэтик нутқнинг композицион-синтактик тузилиши маълум бир макон ва замон бирлигида нутқни

<sup>45</sup>Золян, С.Т. Отописания идиолекта – к грамматике идиостиля. Вкн.: Язык русской поэзии XXв. Сб. научных трудов. -М., 1989. С.63-69;; Чернышева Т. А. Идиостиль: лингвистические контуры изучения. Вестник Череповецкого государственного университета, №1, 2010. С 30-34. Умирова С. Ўзбек шеърлятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърляти мисолида): Фил. фанл. б.фал.док. ((PchD) дисс. автореф. –Самарқанд, 2019. – 48 б

<sup>46</sup> Кловак Е.В. Типичные авторские модели как реализация универсального и индивидуального в идиостиле. АКД. Тверь, 2015, С 19.

ташқил этган компонент-қисмлар, синтактик-стилистик фигуралар, гаплар ва бошқа образ яратувчи воситаларнинг тартибли жойлашиши асосида шаклланади. Англашиладики, бу масалада макон ва замон бирлигининг тўғри ифодаланиши бир томондан поэтик нутқ структураси яхлитлигини таъминловчи омил ҳисобланса, иккинчи томондан поэтик нутқ муаллифи идиостилининг ўзига хослигини кўрсатувчи восита саналади.

Аввало, макон тушунчаси, уни ифода этувчи birlikлар ва уларнинг маълум бир шоир идиостилидаги ўрни, такрорланиши масаласини кўриб чиқамиз. Шу нуқтаи назардан поэтик асарларни таҳлил қилар эканмиз, макон маъносида қўлланилган топонимларнинг маълум бир шоирлар ижодида доминант эканлиги кузатилди. Бу кўпроқ Ватан, юрт тушунчалари билан боғлиқ ҳолда қўлланилган муаллифнинг туғилиб ўсган маконига нисбат берувчи топонимлар билан боғлиқ. Масалан, Ғ.Ғулум ижодида Тошкент, А.Орипов шеърлятида Қўнғиртов, Э.Воҳидовда Тошкент, М.Юсуфда Андижон, Марҳамат, Шавкат Раҳмонда Ўш, Иқбол Мирзода Фарғона, Бағдод топонимларининг такрорланиши мазкур шоирлар идиостилининг бир белгиси сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Масалан: *Айт, эй, хаста булбулим, Ўшга қачон етамиз?..// Бегим — Ўшим кўринди, Султон — Ўшим кўринди...// ЎШКЕНТ ЛАҲЗАСИ* (шеър номи) (Шавкат Раҳмон); *Онамни, Тошкентни соғинар эдим, Лекин билинтурмас эдим алашим.//Қолди Олтиариқ — Ота қишлоғим, Она шаҳрим Тошкент олди бағрига.* (Э. Воҳидов); *Юрагим оқади Фарғона томон// Юлдузни етаклаб Шошга кеч кирса, Фарғонажонимга оқади дилим. // Ҳануз масрурмисан, бахтиёрмисан, Бағдод боғларида қолган келинчак. // Бағдод курашининг гала-гаитини, Соғинган инсонман, хумор инсонман.* (Иқбол Мирзо); *Баҳор келганида яшнаб Қўнғиртов, Пода ўтлар эди етакларида.* (А.Орипов). Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, ҳар бир ижодкор идиостилининг ўзига хос топонимик birlikлари мавжуд. Бу ҳам муаллиф идиостилининг бир белгиси бўлиб хизмат қилади.

Муаллифнинг сўз танлаш маҳорати ҳам ижодкор идиостилининг ўзига хослигини кўрсатади. Бундан ташқари, фақат якка бир муаллиф томонидан қўлланилган, унгина ва ундан кейин ҳам бошқа муаллифлар томонидан қўлланилмайдиган birlikлар борки, улар тилшуносликда окказионал birlikлар номи остида ўрганиб келинмоқда. Таниқли ўзбек тилшунослари Х.Абдурахмонов ва Н.Маҳмудовлар ўз монографияларида окказионализмларни индивидуал-стилистик неологизм атамаси остида тадқиқ этадилар ва уларнинг асосий вазифаси номинация эмас, балки эстетик функция эканлигини таъкидлайдилар. “Индивидуал-стилистик неологизмлар ёзувчининг тилда ҳали махсус ва аниқ ифодаси бўлмаган турли маъно нозикликлари ва ўзига хос экспрессивликни ифодалаш, адабий тилда йўқолиб кетган семантик ва стилистик характердаги нозикликларни

кайта тиклаш каби мақсадлари билан пайдо бўлади”<sup>47</sup>, деган хулосага келадилар. Дарҳақиқат, окказионализмлар индивидуал лисоний бирлик бўлиб, уларнинг қўлланиши муаллиф идиостилининг юқори даражада шаклланганлиги ва поэтик маҳоратидан далолат беради. Айниқса, окказионал бирликларни қўллашда муаллифнинг ўзига хослиги яққол кўзга ташланади. *Қирқ йилнинг нақ ярми йўлларда ўтди, Ярми эса ўтди беморхонада.* (А.Орипов), *Болашамол энди мук тушиб, тепаликда ўқирди китоб.* (Ш.Раҳмон), *Лол қилмоқ бўлган ким одамзод ақлин, Бўйла номуборак дониши билан?* (Э.Воҳидов), *Кириб келар шу дам хонага, Пари каби эмбека қизлар.* (А.Суюн), *Оғрир оёғим дарди ишқ қоқ тиззада марказлашиб, Ёзмасам бўлмас қўйиб ошпазлим, шеърпазлашиб.* (А.Обиджон) тарзида қўлланилган окказионал бирликлар муаллиф идиостилини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2. Синтактик бирликлар. Поэтик нутқда муаллиф идиостилини кўрсатиб турувчи энг асосий ва энг аҳамиятли синтактик бирлик ғайриоддий бирикма – оксюморондир. Оксюморонлар семантик жиҳатдан сўзларнинг ноодатий (маъноси жиҳатидан бир-бирини тақозо этмайдиган)) боғланиши асосида юзага чиқади (масалан: *ширин азоб, ақлли тентак* каби. Бундай боғланиш фақат контекст (матн) ичида воқеланади. Ноодатий боғланишли бирикмалар изоҳталаб бўлгани учун ҳам, уларнинг изоҳи фикрий-мазмуний жиҳатдан бир нечта кетма-кет қўлланиладиган гаплар орқали ўқувчига етказилади. Бир нечта гаплар оксюморон ифода этган мазмуний ядро атрофига бирлашади. Натижада хиссий-таъсирийлиги юқори бўлган поэтик нутқ шаклланади: *Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлгон ёмон, Шу ширин ёлгонга лекин алданиб қолган ёмон.* (Э.Воҳидов), *Тириклар мудроқда, Ўликлар уйғоқ,* (М.Юсуф), *Поёни йўқ куз оғушида, Қандай гўзал йиглайди узум.* (Р.Парфи), *Танизорим игна учинда, Кўзларимда порлар қора нур.* (Р.Парфи), Оксюморонли бирикмалар муаллифнинг ўзига хослиги – поэтик индивидуаллигини кўрсатувчи восита эканлигини С.Умирова ҳам алоҳида таъкидлайди ва “тил воситаларининг бирикмалар шаклидаги актуаллашувига асосланган оксюморон ҳақиқий маънода индивидуал поэтик восита эканлигини исботлади”<sup>48</sup>, деган хулосага келади. Ноодатий боғланишлар ҳам муаллиф идиостилини белгиловчи бир восита бўлиб, поэтик нутқни шакллантиришда фаол иштирок этади, шу билан бирга, бадий нутқ образлиги ва таъсирчанлигини таъминловчи восита саналади.

Жаҳон тилшунослигида синтактик бутунликларда муаллиф идиостилини кўрсатиб турувчи омилларга номинатив, тўлиқсиз ва сўз-гапларнинг меъеридан кўп қўлланиши, гап қурилишининг атайлаб

<sup>47</sup> Абдурахмонов Х, Махмудов Н. Сўз эстетикаси – Т., Фан, 1981. 31-бет.

<sup>48</sup> Умирова С. Ўзбек шеърлятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърляти мисолида): Фил. фанл. б.фал.док. ((PchD) дисс. автореф. –Самарқанд, 2019. –48 б.

синтактик қоидалардан ташқарига чиқиши, тема-рема муносабатининг бузилиши кабилар киритилади<sup>49</sup>.

Поэтик нутқда номинатив, тўлиқсиз ва атов гапларнинг ўзига хос тарзда қўлланиши орқали идиостилга нисбат бериш мумкин. Масалан, Усмон Носир, Рауф Парфи ва Хуршид Даврон ижодида атов, номинатив ва тўлиқсиз гаплар етакчи ўрин тутади: *Ой шамчироқ. Ҳаммаёқ оқ. Ойдин. Момикдай кеча...* (Усмон Носир), *Гўё қордаги излар – Ўткинчи. Гўё қум устида Товон кўлкаси.* (Рауф Парфи), *Кўклам. Дала. Тиниқ кўк. Шамол...* *Сўқмоқ йўлдан қайтмоқда аёл.* (Хуршид Даврон), Бу каби мисоллар мазкур шоирлар ижодида кўплаб учрайди ва уларнинг идиостилини аниқлашда муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилади.

“Муаллиф идиостилининг намоён бўлишида экстралингвистик омиллар” номли кейинги фаслда график воситалар ҳамда ритм асосий экстралингвистик омиллар сифатида талқин этилган.

1. График воситалар. Нутқий вазият матнда тасвирланганда, график воситалар орқали ифода этилади. Бундан ташқари, муаллиф “почерки”ни кўрсатиб турувчи катта ҳарфлар билан ёзиш, сўзнинг тагига чизиш, сўзни бўғинлаб ёзиш каби ҳолатлар ҳам муаллифнинг график идиостилини белгилайди. Масалан, Шавкат Раҳмон шеърлятида шеърлий сатрларнинг кичик ҳарфлар билан бошланиши ва доимо шундай ифода этилиши унинг ўзига хос идиостилини кўрсатувчи бир белги ҳисобланади. Шавкат Раҳмоннинг ўзига хос идиостили график ифода доирасида кўзга ташланади. Унинг исталган шеърлида шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Айрим ижодкорларнинг асарларида эса фикр баёнида сўроқ ёки риторик сўроқ усулидан фойдаланиш етакчилик қилади. Бу ҳолат ўз навбатида сўроқ белгиларининг кўп қўлланишига олиб келади. Бунга Иқбол Мирзо шеърлятидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин: *Айт, нима ёмонлик қилувдим сенга? Бунчалар севдирдинг мени, бунчалар? // Бўйнингизга тилло занжир солган ким? // Юракка кўкрак тор келганими бу?* каби риторик сўроққа асосланган сатрлар жуда кўп учрайди ва сўроқ белгилари кўп қўлланади.

Хуршид Даврон идиостилида эса тире белгисининг жуда кўп қўлланилишини, бу ҳолат шеърлий сатрларни мазмунан тенглаштириш, баъзан зидлаш, баъзан эса қиёслаш ёки ўхшатиш мазмунини ифода этиш мақсадида ишлатилганининг гувоҳи бўламиз. Мазкур ҳолат ўз навбатида шоир идиостилида юқорида санаб ўтилган мазмуний категорияларнинг етакчи эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, муаллиф идиостилининг график белгиси сифатида қабул қилинади: *Қабристоннинг тошлари куйлар – Тошни чертар шамоллар эгган. // Кўраяпман – ёзнинг изидан, Товланмоқда хазонлар – излар // У айтмас: – Шайтон – деб, у айтар: –*

<sup>49</sup> Бойков А.И. Конструкции разговорного синтаксиса в поэтическом идиолекте А.Башлачева. // Ярославский педагогический вестник – 2013 – №3 – Том I (Гуманитарные науки). С 162-166.

*Баёт. У айтмас: – Ўлим – деб , у айтар: – Ҳаёт.* Демак, шоир Хуршид Давроннинг идиостилини унинг шеърлари матнидаги тире белгиси алоҳида кўрсатиб туради. Тиниш белгиси билан боғлиқ идиостил кўринишлари бошқа шоирлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Э.Воҳидов, А.Орипов, М. Юсуф шеърининг матнларида кўп нукта, Ғ.Ғулом, Ш.Раҳмон ва Рауф Парфи шеърларида икки нукта ёки нуктали вергул бошқа шоирларга нисбатан кўп ишлатилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, муаллиф идиостилини белгилашда қўлланилган график воситалардан фойдаланиш даражасининг ҳам муҳим роли бор.

2. Ритм поэтик асарнинг энг муҳим белгиларидан бири саналади. Бундан ташқари, ритм поэтик нутқнинг таъсир воситаси ҳамдир. Ритм бир пайтнинг ўзида муаллиф идиостилини кўрсатиб турувчи омил бўлиб ҳам хизмат қилади. Ўз услубини ярата олган, ўз идиостилини шакллантира билган таниқли ижодкорлар шеърлари таҳлил қилинганда, улар ижодидаги ритм ўзига хос бўлиши кўзга ташланади. Масалан, Ғ.Ғулом идиостилида асосан икки хил ритм кузатилади. Биринчиси – ижодкорнинг “Сен етим эмассан”, “Турксиб йўлларида”, “Халқ орасида”, “Мен яҳудий” каби шеърларида қўлланилган ритм, Ғ.Ғуломга хос поэтик ритмнинг иккинчи тури эса “Кузатиш”, “Вақт”, Соғиниш”, “Тошкент тонготари” каби машҳур шеърларида кузатилади.. Шунинг учун ҳам мазкур шеърлар орқали Ғ.Ғуломнинг идиостили яққол сезилиб туради.

Ҳозирги ўзбек шеърининг ёрқин намоёндалари ҳисобланган Э.Воҳидов, А.Орипов, Рауф Парфи, Х.Худойбердиева, М.Юсуф, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Иқбол Мирзо каби ўз идиостилига эга бўлган таниқли шоирлар шеърлари ҳам ўзига хос ритмга бўйсунганлиги аниқ намоён бўлиб туради.

Умуман, шеърининг ритм ҳам индивидуал услубга хос бўлиб, муаллиф идиостилини белгиловчи экстралингвистик омиллар қаторида баҳоланади.

Учинчи бобнинг тўртинчи фасли “Муаллиф идиостилини белгиловчи услубий воситалар” деб номланади. Ушбу фаслда қайта номловчи воситалар (троплар) ва синтактик-стилистик воситаларнинг муаллиф идиостилини белгилашдаги ўрни ўрганилган.

Муаллиф идиостили тил бирликларидан ва тилнинг ифода имкониятларидан фойдаланишнинг ўзига хос тарзда юзага чиқиши маъносида қўлланилганда, поэтик нутқда синтактик бирлик сифатида қўлланилган бирликларнинг маълум бир стилистик мақсадга йўналтирилганлиги эътиборга олинади. Идиостилга шу нуктаи назардан қаралганда, энг аввало, “тадқиқотчидан муаллифнинг поэтик нутқнинг энг асосий қуроли бўлган сўзга қандай маъно ва қандай стилистик юкломани

вазифа қилиб берганлиги”<sup>50</sup>га эътибор қаратиш талаб этилади. Идиостил муаллиф томонидан кўзланган коммуникатив мақсадни юзага чиқариш учун танлаб олинган лексемалар иштирокида яратилган нутқий бирликларнинг индивидуал системаси<sup>51</sup> экан, идиостилни белгилашда сўз қўллаш маҳорати асосий белги сифатида майдонга чиқаверади.

Бу ўринда индивидуал метонимиялар, метафоралар, синекдохалар муаллиф идиостилини белгиловчи воситалар сифатида тадқиқ этилди. Ўзбек поэтик нутқидан олинган мисоллар ёрдамида уларнинг муаллиф идиостилини кўрсатувчи лисоний хусусиятлари ёритиб берилди.

Индивидуал метонимиялар якка бир муаллифга тегишли бўлади ва унинг оригинал идиостили белгиси сифатида юзага чиқади. *Сизлар қанот ёзсангиз, Қувонар Сурхон.* (У.Азим).

Маълумки, метонимия алоқадорликнинг қайси жиҳатларга асосланишига кўра фарқланади. Қуйида келтирилган мисолда Навоий лексемаси орқали Навоий қаламига мансуб асарлар назарда тутилган:

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса, Олтин бошининг калла бўлгани шудир.* (Э.Воҳидов).

Метафораларда ҳам индивидуаллик кузатилади. “Индивидуал метафора, айниқса, поэзия жанри учун муҳим воситалардан бири бўлиб, поэтик фикрни олдин ҳеч ифодаланмаган янги формада ифодалаш усулидир. Шу жиҳатдан метафора поэтик фикрнинг таъсирчанлигини кучайтиради” (Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. Тошкент: “Фан”, 1990. 63-бет). Ҳар бир ижодкорнинг фақат ўзигагина хос бўлган индивидуал метафоралар муаллиф идиостилини белгилаш учун асос бўлади. Метафораларда нафақат шаклий ўхшашлик, балки ҳаракат, ҳолат, белги ва бошқа ўхшашликлар асос қилиб олинади: *Кунлар пиша бошлайди яна, рангларини бошингда элар.* (Шавкат Раҳмон).

Келтирилган мисолда шоир Шавкат Раҳмон томонидан иш-ҳаракат ўхшашлигига асосланган индивидуал метафора қўлланилган бўлиб, у *Кунлар пиша бошлайди* тарзида баён қилинган. Аслида, пишиш мевага хос иш-ҳаракат бўлиб, бу ўринда шоир уни кун (сутка)га нисбатан қўллаган. Натижада шеърининг сатрлардаги образлилик кучайтирилган, ҳиссий-таъсирий бўёқдорлик ортирилган. Мазкур метафора индивидуал метафоранинг ёрқин кўриниши бўлиб, бошқа шоирлар ижодида учрамайди. Шоирнинг қуйидаги сатрлари эса тўлиқ индивидуал метафора асосида ёзилган: *Аламзада итларнинг сасин, адаштириб кетдим хотиржам. Хўкизларни ортда қолдирдим, ҳанграётган эшакларни ҳам.*

<sup>50</sup> Царева Я.А. Теоретическая репрезентация термина “идиостиль”. // Современные достижения и новые направления филологии. Сборник научных трудов по итогам Международной научной конференции. (Под общей редакцией Е.Г. Озеровой.) Белгород, 12-13 февраля 2018 г. С 178-183

<sup>51</sup> Цилевич, Л.М. Принципы анализа литературного произведения как художественной системы / Л.М.Цилевич // Филологические науки. Научные доклады высшей школы. - М.: Высшая школа, 1988 - №1. С. 9-14.



Мазкур тўртликда шоир индивидуал метафоралар тизимини қўллаган. Мисолда қўлланилган *ит*, *ҳўкиз*, *эшак* лексемалари орқали салбий иллатларга эга одамлар назарда тутилган.

Поэтик нутқда фаол қўлланувчи, шу билан бирга, муаллиф идиостилини белгилашга асос бўлувчи тропларнинг яна бир тури синекдохадир. Бу ходиса метонимиянинг таркибий қисми бўлиб, бунда бир бутунликни англатувчи сўз орқали шу бутунликнинг бир қисми ёки шу қисм орқали мазкур қисмни ўз ичига олувчи бир бутунликни ифодалаш тушунилади. Адабий тилда ва халқ жонли тилида оммалашган синекдохалардан ташқари, айрим ижодкорлар томонидан қўлланиладиган индивидуал синекдохалар ҳам учрайди. Уларни қўллаш фақат шу ижодкор идиостилига хос бўлади: *Бу чиркин оғизлар... синган каллалар...изводан бўҳтондан осилган тиллар...ҳирслар лашкарлари босган паллада шоҳларин бўғизлаб тишлаган диллар.* (Ш.Раҳмон)

Келтирилган мисолда шоирнинг бир эмас, бир нечта синекдохалар “плеяда”сини кузатиш мумкин. Синекдоханинг бу тартибда юзага чиқарилиши поэтик нутқ муаллифининг ўзига хослигини кўрсатиш билан бирга, унинг идиостилини белгилайди. Э.Воҳидов қаламига мансуб яна бир мисолга диққатимизни қаратамиз: *Турар йўлда у якка, Олdda анча йўл. Ўтган ҳар гилдиракка Узатади қўл.* Мазкур мисолда *гилдирак* лексемаси автомобилнинг бир қисми маъносини ифода этиши билан, қисм-бутун муносабати орқали автоулов маъносида қўлланган. Келтирилган далиллардан кўринадики, синекдохаларнинг қўлланишида ҳам муаллифнинг ўзига хослиги кўзга ташланади. Улар орқали поэтик нутқ муаллифи идиостилини белгилаш имконияти жуда юқори.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Синтактик фигуралар таснифи**” деб номланади. Мазкур бобда поэтик нутқ таркибида фаол қўлланувчи синтактик фигуралар характеристикаси ва таснифи берилган.

Бобнинг “Синтактик фигуралар таснифи асослари”номли фаслида синтактик фигураларни маълум бир тизимда тасниф қилиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, тасниф қилиш зарурати ҳақида фикр юритилади ва уларнинг таснифи берилади.

Поэтик нутқнинг лингвистик таҳлили тадқиқотчидан ундаги ҳар бир мазмуний нозиклик ва маъно товланишларини ҳис қилган ҳолда ёндашишни талаб этади. “Поэтикада ҳар қандай нутқий бирлик поэтик фигурага айланади”, – деб ёзади рус тилшуноси Ю.В. Казарин<sup>52</sup>. Тилшуносликда синтактик фигураларни турли номлар остида аташ ва уларнинг таснифи бўйича турлича назарий қарашлар мавжуд. Ўзбек тилшунослигида уларнинг айрим турлари алоҳида ўрганилган бўлса-да<sup>53</sup>, мазкур ишларда улар

<sup>52</sup> Казарин Ю.В. Поэтический текст как система. Издательство Уральского университета. Екатеринбург – 2011, 21-стр.

<sup>53</sup> Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент, “Фан” 1990, 17-42 бетлар; Мамажонов М. Маҳмудов У. Услубий воситалар. Фарғона 1994, Б.48. Mamajonov A., Addupatoyev M. O`zbek matnining semantic, sintaktik va stilistik aspekti. ( monografiya), Farg`ona., “Classic”. 2021. 105-112 betlar; Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалашнинг усул ҳамда воситалари. Филол. фан. номз... дисс. автореф. –

“стилистик фигуралар, “услужбий воситалар”, “синтактик-стилистик фигуралар”, “услужбий фигуралар” каби турли атамалар остида ўрганилган. Кўринадики, уларни номлашда ҳам умумий бир фикрга келинмаган. Бизнингча, уларни синтактик фигуралар деб аташ мақсадга мувофиқ, чунки мазкур фигураларнинг барчаси синтактик бирлик сифатида шаклланади ва синтактик бутунликлар таркибида ўз стилистик имкониятларини юзага чиқаради. Синтактик фигуралар таснифи бўйича ҳам аниқ бир таснифни кўрсата олмаймиз.

Диссертацияда синтактик фигураларни қуйидаги уч турга бўлиб тасниф этиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1.Поэтик нутқ ҳажмига таъсир қилувчи фигуралар. Фикрни таъкидлаш, ривожлантириш, матндаги фикрий юкломани кучайтириш учун қўлланиладиган, шу билан бирга, фикрнинг мазмун-мундарижасини кенгайтирувчи, эмоционаллик ва таъсирийликни кучайтириш учун қўлланиладиган синтактик фигуралар.

2.Позицион синтактик фигуралар. Бу турдаги синтактик фигураларнинг вазифаси юқоридагилардан фарқ қилмайди. Улар поэтик нутқ таркибидаги ўринлашиш жиҳатидангина фарқланадилар.

3.Семантик (мазмун бидан алоқадор) фигуралар. Бу гуруҳга кирувчи синтактик фигуралар ҳам, асосан, юқоридаги каби вазифа бажаради, лекин улар поэтик нутқ ҳажм белгисига таъсир қилмайди. Улар нутқда ўз маъно белгиларига кўра функционаллашади.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли “Поэтик нутқ ҳажмига таъсир қилувчи фигуралар” деб номланади. Поэтик нутқ ҳажмини кенгайтирувчи фигуралар поэтик нутқ ҳажмини кенгайтириши билан кўзга ташланади. Улар поэтик нутқ таркибига кўшимча бирлик сифатида киради. Шунинг учун ҳам мазкур гуруҳга синтактик фигуралар сифатида такрор ва унинг турлари кўрсатилди. Такрор ва унинг турлари, айниқса, поэтик нутқда шеърий бандлар поэтик композициясининг шаклланиши ва мусиқий оҳангнинг уйғунлашувида муҳим ўрин тутди<sup>54</sup>. Диссертацияда такрор ва унинг кўринишлари мисоллар ёрдамида таҳлил этиб ўтилди.

Поэтик нутқ ҳажмини кенгайтирувчи синтактик фигураларга полисиндетон ҳам киритилди. Бунда полисиндетон поэтик нутқнинг парадигматик, синтагматик ва стилистик фигураси сифатида намоён бўлади. Т.И.Сильманнинг таъкидлашича, “боғловчилар такрорларнинг бир кўриниши бўлиб, уларнинг бир синтактик қурилма таркибида такрорий қўлланилиши етказилаётган ахборотни янги фикрлар билан бойитиш, фикрни изчил ривожлантириш, нутқнинг ўқувчига таъсир қилиш функциясини кучайтириш учун хизмат қилади<sup>55</sup>. Боғловчиларнинг такрорий қўлланилиши поэтик нутққа ифодалилиқ, сиқиклик,

---

Тошкент, 2001. – 25 б.; Мамазияев О. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. –26 б;

<sup>54</sup> Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика, Стилистика. – Л., 1977, 19-стр.

<sup>55</sup> Сильман Т.Н. Синтаксико-стилистические особенности повторов – Вопросы языкознания, 1967, № 2, стр. 68.

